

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 19-20-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (155-156)  
**ТЎПЛАМИ** 2005 й.  
май

---

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## **МУНДАРИЖА**

### *Иккинчи бўлим*

139. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 майдаги ПФ-3610-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

140. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 майдаги 117-сон қарори

141. «Тошкент давлат техника университетининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 майдаги 123-сон қарори

142. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 майдаги 126-сон қарори

143. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 майдаги 127-сон қарори
144. «2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 128-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

145. «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғининг 7-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 6 майдаги 45-сонли буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 майда 1209-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
146. «Машина-трактор парклари иш (хизмат)ларининг нархларини қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва пудратчиларга етказиш тартиби тўғрисидаги низомни давлат реестридан чиқариш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2005 йил 19 майдаги 74-мх-сон буйруғи. *(2005 йил 19 майда давлат реестридан чиқарилди)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 7 майдан 20 майгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **139** Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига марказлаштирилган тартибда аванс бериш ўрнига қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўғридан-тўғри кредит бериш механизми жорий этилиши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ баъзи фармонларига ўзгартишлар киритилсин.

2. Иловада кўрсатилган ўзгартишлар пахта етиштириш учун — 2005 йил ҳосилидан бошлаб, давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган ғалла етиштириш учун эса — 2006 йил ҳосилидан бошлаб кучга кириши белгилаб қўйилсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 май,  
ПФ–3610-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 20 майдаги ПФ–3610-сонли  
Фармонига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзгартишлар киритиладиган фармонлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 31 декабрдаги ПФ–2165-сон Фармонида:

а) кириш қисмидаги «бўнак берилиши ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган ҳамда етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисоб-китобини ўз вақтида молиялаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоби учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш»;

в) 8-бандда:

учинчи хатбошидаги «ДАК» сўзи «АК» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

«Белгилаб кўйилсинки, Жамғарма давлат эҳтиёжлари учун пахта харид қилиш умумий ҳажми бўйича «Пахтасаноат» удудий акциядорлик бирлашмалари билан, ғалла харид қилиш умумий ҳажми бўйича эса «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан Бош битим тузади. Мазкур бирлашмалар ва компания Жамғарма номидан ҳамда у билан келишилган ҳолда махсулот харид қилишга контрактация шартномалари ўз вақтида тузилишини, харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳисоб-китобини, уларни харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш чоғида белгиланган стандартларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлайдилар»;

г) 9-банднинг иккинчи хатбошидаги «бўнак бериш ва узил-кесил» сўзлари чиқариб ташлансин; учинчи хатбошидаги «бўнак бериш ҳамда улар билан узил-кесил» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 11 июндаги ПФ-2874-сон Фармонида:

а) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва фермер хўжаликларига аванс бериш» ҳамда «узил-кесил» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банднинг олтинчи хатбошидаги «фермер хўжаликларига аванс бериш ва улар билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш» сўзлари «фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тўғрисидаги Намунавий низомда:

8-банднинг еттинчи хатбошидаги «фермер хўжаликларига аванс бериш ва улар билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш» сўзлари «фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пахта тозалаш корхоналарининг банкда очиладиган махсус ҳисоб рақамлари орқали, пахтани қайта ишлаш ва махсулотни сотиш тугаллангандан кейин пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилинишини таъминлайди»;

10-банднинг бешинчи хатбошидаги «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига аванс бериш ва улар билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш» сўзлари «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-банднинг учинчи хатбошидаги «пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва фермер хўжаликларига аванс беради» сўзлари чиқариб ташлансин.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **140** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ва улардан фойдаланиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 31 мартдаги 93-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 220-сон қарорининг 2-банди ва ушбу қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 10 май,  
117-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 10 майдаги 117-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикасида пахта толаси ва чигитини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш органи ҳисобланади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

Марказ ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Марказ тизимига Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Пахта чигити сифатини назорат қилиш марказий лабораторияси, Текшириш ва назорат қилиш марказий лабораторияси, минтақавий синов лабораториялари ҳамда пахта тозалаш корхоналари ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлмаган уруфчилик лабораториялари киради.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Марказ ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказни ва унинг минтақавий бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш, Марказ тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш пахта толаси ва чигитини сертификатлаш ишларини бажаришдан тушадиган маблағлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

6. Марказ юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## II. Марказнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) белгиланган стандартлар, методикалар, қоидалар, контрактлар, шартномаларга ҳамда республика ҳудудида ва унинг ташқарисида пахта толасини ишлаб чиқариш ва сақлаш жойларида унинг сифатига қўйиладиган талабларни назарда тутувчи бошқа битимларга мувофиқ пахта толасини сертификатлаш ва унинг сифатини назорат қилиш;

б) республика пахта тозалаш заводларида пахта толаси туркумлари массасини назорат қилиш;

в) жаҳон бозори ва ички бозор талабларига мувофиқ пахта толасини сертификатлаш ва унинг сифатини назорат қилиш тизимини ривожлантириш ва таъминлаш бўйича амалий ва илмий фаолиятни амалга ошириш;

г) пахта тозалаш саноати корхоналарини, пахта толаси, момиги ва чигити харидорларини ва бошқа ташкилотларни сертификатладиган маҳсулотнинг стандарт намуналари билан таъминлаш;

д) манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан биргаликда ғўзаларни толанинг ёпишқоқлиги жиҳатидан апробация қилишда, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан рухсат берилган пахта тозалаш заводлари тайёрлов пунктларида қабул қилиб олишда пахта хом ашёси сифатини назорат текширувидан ўтказишда қатнашиш;

е) Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотлари билан тузилган битимларига мувофиқ лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиш;

ж) пахта маҳсулотини сертификатлаш, таснифлаш, синаш усуллари бўйича мутахассислар тайёрлаш;

з) пахта чигити ишлаб чиқаришни, унинг миқдорини, сифатини, ундан мақсадли фойдаланишни, мулкчилик шаклларида қатъи назар, пахта тозалаш, ёғ-мой

корхоналарида пахта чигитини ҳамда уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни сифатли сақлашнинг таъминланишини, ташиш вақтида нобуд бўлишини қисқартиришни, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналарида уруғлик чигитдан фойдаланишни назорат қилиш;

и) пахта чигитига ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларга норматив-техник ҳужжатлар талабларига, шунингдек қабул қилиб олиш, юклаб жўнатиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида уларнинг сифатини си-наш методларига риоя этилишини мунтазам равишда назорат қилиш;

к) пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган техник чигитнинг ҳар қайси туркумини мувофиқлик сертификати берган ҳолда синашни амалга ошириш;

л) пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарига пахта чигитини сақлаш, тозалаш, қуритиш, унга ишлов бериш бўйича, шунингдек пахта тозалаш корхона-ларида норматив-техник ҳужжатларни ва илғор технологияларни белгиланган тар-тибда жорий этиш, техник чигитни топшириш-қабул қилиб олиш механизмини та-комиллаштириш масалаларида методик ёрдам кўрсатиш.

8. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функциялар-ни амалга оширади:

а) пахта толаси, чигитига ва уни қайта ишлашдан олинадиган бошқа маҳсулот-ларга давлат стандартларини ишлаб чиқишда қатнашади;

б) сертификатлаш тартибини белгилловчи норматив-техник, ташкилий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқади ва янгилаб боради;

в) сертификатлаш учун буюртмалар қабул қилади ва пахта толаси ва чигити сифатини назорат қилади;

г) пахта толаси ва чигити ташқи кўринишининг стандарт намуналарини тайёр-лайди;

д) пахта толаси ва чигити сифатини аниқлаш методларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда зарурат бўлганда манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан биргаликда уларни такомиллаштириш юзасидан тегишли илмий-тадқиқот ишлари-ни амалга оширади;

е) пахта маҳсулотларини сертификатлаш, таснифлаш ва синаш усуллари бўйи-ча мутахассислар тайёрлайди, ўқитишнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқади;

ж) пахта маҳсулотини сертификатлаш соҳасида республикада ва унинг ташқа-рисида пахта толаси ва чигитини ишлаб чиқарувчилар, ташқи савдо ташкилотлари ва пахта маҳсулотлари истеъмолчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

з) пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг сифати, сақланиши, улардан оқилона фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

и) республика ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пайдо бўлади-ган низоли ҳолатларда, шунингдек экспорт-импорт операцияларида ўз ваколатлари доирасида пахта чигитининг сифати бўйича синовлар ўтказиши ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун хулосалар беради;

к) пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг баланслари-ни тузишда қатнашади, харид қилиш, шу жумладан импорт бўйича харид қилиш мўлжалланаётган хом ашёнинг сифати бўйича, шунингдек уни экспорт қилишда таклифлар киритади;

л) технологик жараёнлар билан тартибга солинган пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланиш билан боғлиқ сифат, сақлаш, оқило-на фойдаланиш, ҳисобини юритиш масалалари бўйича норматив-техник ҳужжатларни

белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва манфаатдор идоралар билан келишишда, шу жумладан ишлаб чиқариш, транспортда ташиш ва сақлашда уларнинг чиқишини, табиий камайиш нормаларини аниқлашда қатнашади;

м) пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат дастурларини тайёрлашда иштирок этади;

н) пахта чигити сифатининг ёмонлашиши, камомади ҳолатлари ва сабабларини аниқлайди, зарурат бўлганда уларни бартараф этишга доир кўрсатмалар беради ҳамда пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар ресурсларининг сақланиши ва улардан фойдаланиш ишларининг аҳволи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ахборот беради;

о) ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

9. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бевосита ва минтақавий синов бўлиналари орқали ҳал қилади.

### III. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) республикадаги ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун мажбурий бўлган пахта толаси ва чигитининг миллий стандартларга мувофиқлик сертификатини белгиланган тартибда бериш;

б) пахта толаси ва чигитини экспортга етказиб бериш жараёнида унинг сифатига баҳо берилаётганда, сифат масалалари кўриб чиқиляётганда хорижий ва халқаро ташкилотларда республика манфаатларини ифодалаш;

в) пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар ресурсларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш корхоналари ва ташкилотларини белгиланган тартибда текшириш;

г) корхоналар ва ташкилотларнинг текшириш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳужжатлари билан танишиш;

д) корхоналарда пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг намуналарини белгиланган тартибда олиш, текшириб кўриш учун уларнинг лабораторияларидан фойдаланиш ва зарурат бўлганда текшириш билан боғлиқ ишларни бажариш учун корхоналар мутахассисларини жалб этиш, зарурат бўлганда пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар намуналарини қўшимча равишда текшириш учун тегишли лабораторияларга жўнатиш;

е) зарурат бўлганда автомобиль ва темир йўл транспортдан тушириляётган ва уларга юкланяётган пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар туркумларини пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари билан биргаликда назорат қилиш тартибида оғирлигини тортиб кўриш;

ж) пахта чигити ва маҳсулотлар қолдиғи тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги асосли равишда шубҳа туғдирган тақдирда пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар ресурслари қолдиқларини қайта тортиб кўрган ёки стандарт массага ўралган маҳсулотни қайта санаб чиққан ҳолда навбатдан ташқари хатлов ўтказилишини тайинлаш;

з) пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг сақлаш учун яроқсиз идишларда сақланишини тақиқлаш, технология ва санитария режимлари қўпол равишда бузилганлиги аниқланган тақдирда айрим ишлаб чиқаришлар, цех-



лар ва корхоналар ишини ушбу қоида бузишлар бартараф этилгунга қадар тўхта-тиб қўйиш, шунингдек норматив ва техник ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни муайян мақсадда сотишни тақиқлаш;

и) ҳўжалик юритувчи субъектларга, бирлашмаларга ва бошқа товар ишлаб чиқарувчиларга пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш бўйича шартнома асосида хизматлар кўрсатиш, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа хизмат турларини кўрсатиш;

к) меҳнатга ҳақ тўлаш, уни ташкил этиш ва нормалаш шакллари ва тизимини белгилаш;

л) банк ва тижорат кредитларидан фойдаланиш;

м) республикада ва чет элларда ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган битишувларни ва бошқа юридик ҳужжатларни тузиш ва ишларни рўёбга чиқариш;

н) ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бинолар қуриш, сотиб олиш, ўзгага бериш, ижарага олиш, қирага олиш ва бериш;

о) республикада ва чет элларда мустақил равишда ёки мамлакатимиздаги ёки хорижий шериклар билан пай асосида филиаллар, бўлимлар, ваколатхоналар ва шу кабиларни таъсис этиш;

п) корхона ва ташкилотларга, уларнинг ишлаб чиқариш биноларига, омборларига кириш ҳамда синаш, сертификатлаш ёки сифатнинг стандартларга ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат (инспекция) қилиш учун тегишли пахта маҳсулоти намуналарини танлаб олиш;

р) корхоналар ва ташкилотлардан хом ашё, пахта толаси ва чигити сифати масалалари бўйича маълумотларни белгиланган тартибда олиш;

с) пахта маҳсулотини стандартлаш ва сертификатлаш масалаларини ҳал этиш учун мутахассисларни жалб қилиш;

т) пахта толаси ва чигити сифатини текшириш натижалари бўйича ҳужжатлар тузиш ҳамда тегишли корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига амалдаги стандартлар бузилишининг аниқланган ҳолларини бартараф этиш юзасидан таклифлар бериш;

у) республикада ва чет элда «ноу-хау» ҳамда пахта маҳсулотини стандартлаш, сертификатлаш ва сифатини назорат қилиш бўйича бошқа илмий ютуқларни белгиланган тартибда сотиб олиш ва сотиш.

11. Марказ ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### **IV. Марказ фаолиятини ташкил этиш**

12. Марказга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қилади.

Бош директор мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади, унинг уч нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади, улар мақомига кўра вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

Инспекция бошлиғи айни вақтда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бош директорининг ўринбосари ҳисобланади.

13. Бош директор:

Марказ фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади;

Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда

Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Марказ тизимининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини, Марказ фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш юзасидан ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Марказ тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

зарурат бўлганда ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Марказ марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, унинг штат жадвалини, шунингдек Марказнинг марказий аппарати ва унинг минтақавий синов лабораторияларининг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Марказнинг марказий аппарати ва унинг бўлинмалари ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Марказда 9 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади, ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Марказ ҳайъати Марказ фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Марказ таркибий ва минтақавий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Марказнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари бош директорнинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади. Бош директор билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда бош директор ўз қарорини амалга оширади. Бош директор пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аборот беради.

15. Марказни тугатиш ёки қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **141 Тошкент давлат техника университетининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси махсус ташкил этилган комиссия томонидан Тошкент давлат техника университети фаолиятини ўрганиш натижасида бир қатор жиддий камчиликлар ва бузилишлар аниқланганлигини қайд этади. Хусусан, университет тузилмасида асосиз тарзда ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сунъий бошқарув бўлинмалари — институтлар ташкил этилган.

Академик гуруҳлари бўлмаган ва ихтисос мутахассисликлари бўйича талабалар тайёрламайдиган факультетлар, таркибига кўра кам сонли ва бир-бирини такорловчи кафедралар ташкил этилган. Университет бакалавриятига қабул қилиш

қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган, пул эвазига ўзига оғдириб олиш ва порахўрлик ҳоллари мавжуд.

Ректорат томонидан педагоглар жамоаси ва талабалар, айниқса, ётоқхоналарда яшовчи талабалар билан ишлаш сусайтириб юборилган. Ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялашда жиддий камчиликлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси университет фаолияти сусайиб кетишига ҳамда жамоада маънавий вазиятнинг жиддий ёмонлашувига олиб келди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, Тошкент давлат техника университетининг унга юкланган бош вазифа — мамлакат иқтисодиёти тармоқлари учун олий техник маълумотга эга бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш вазифасини ҳал этишни таъминловчи ташкилий тузилмасини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун Тошкент давлат техника университетининг ректори Қ.Р. Аллаев, ўқув ишлари бўйича проректор Ф.С. Абдуллаев, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича проректор А.А. Низаметдинов ишдан бўшатирилганлиги, шунингдек университет факультетлари ва кафедраларининг айрим раҳбарлари вазифасидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Тошкент давлат техника университетининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 64 нафар бўлган янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат техника университети деканатларининг намунавий ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент давлат техника университетининг «Компьютер технологиялари» факультети тугатилсин.

Кўрсатиб ўтилган факультетда таълим олаётган талабалар, шунингдек «Ахборотларни тайёрлаш ва бошқарув компьютер тизимлари», «Телематика (дастурий таъминот)», «Муҳандислик тайёргарлиги ахборот технологиялари» кафедралари 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университети таркибига ўтказилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда:

Тошкент давлат техника университетининг ташкилий тузилмасини 1-иловага мувофиқ тасдиқланган тузилмага тўлиқ мувофиқлаштирсин;

факультетлар деканатларини шакллантирсин, кафедралар сонини мақбуллаштирган ҳолда уларнинг рўйхати ва номини қайта кўриб чиқсин;

университетнинг профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказсин ва уни амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан танлов асосида мустаҳкамласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 80-А ва 80-Б талабалар ётоқхоналарини Тошкент давлат техника университети балансидан Тошкент ахборот технологиялари университети балансига тўловсиз ўтказсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 май,  
123-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 18 майдаги 123-сон қарорига  
1-ИЛОВА

141-модда

### Тошкент давлат техника университетининг ташкилий тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 295 киши, шу жумладан бошқарув ходимлар и — 64 киши.


Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2005 й.

— 12 —

19-20 (155-156)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 18 майдаги 123-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Тошкент давлат техника университети деканатининг намунавий ташкилий тузилмаси**



Изоҳ: Факультетда кундузги бўлим талабаларининг сони 1000 кишидан ошганда кўшимча равишда яна биттадан штат бирлиги киритилади:  
деканнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари;  
ўқув жараёни диспетчери;  
катта инспектор (ЭХМ оператори).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**142 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга кўшимча киритиш ҳақида**

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлов-

ларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги мазмундаги «е» кичик банди билан тўлдирилсин:

«е) фойдали қазилмалар хом ашё ресурслари сифатида махсус жиҳозланган чиқинди сақлаш омборларида жойлаштирилган ва кейинчалик қайта ишланадиган кон қазиш саноати чиқиндилари».

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 май,  
126-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **143** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 10 февралдаги ПҚ-3-сон қарори ва «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сон қарорига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида» 2005 йил 11 февралдаги 61-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 май,  
127-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 18 майдаги 127-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой-коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1996 йил 30 июлдаги 271-сон қарорига:

а) 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари ва 3-илова чиқариб ташлансин;

б) 1-банднинг олтинчи хатбоши ҳамда 5-илова 2005 йил 1 июлидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 1-иловадан «Газ таъминоти» IV бўлим чиқариб ташлансин;

г) 4-иловада:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «эркин» сўзи «чекланган» сўзи билан алмаштирилсин;

3-бандда:

иккинчи хатбошидан «вилоят ҳудудий-коммунал-уй-жойдан фойдаланиш бирлашмалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи банд чиқариб ташлансин;

4-бандда:

биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий-коммунал-уй-жойдан фойдаланиш бирлашмалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

«б» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 февралдаги 54-сон қарори билан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармони билан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

«в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«в) балансида уй-жой фондига эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, аҳолига иссиқлик энергиясини белгилаб қўйилган тарифлар бўйича беришдан тушадиган даромадларини асосий фаолият натижаларига киритадилар»;

5 ва 6-бандлар чиқариб ташлансин;

8-банднинг биринчи хатбошидаги «ва коммунал-уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари» чиқариб ташлансин, «ва квартира эгалари ҳамда квартира ижарачилари уй-жойларга хизмат кўрсатиш ва сақлаш харажатлари улушларини (ҳисоб-китоб шакллари илова қилинади)» сўзлари «(ҳисоб-китоб шакли илова қилинади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг биринчи хатбошидаги «Коммунал» сўзи «Иссиқлик таъминоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

10 ва 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

13-банддан «уй-жой ташкилотларида», «ҳамда квартира эгалари ва квартира ижарачиларининг турар жойга хизмат кўрсатиш ва сақлаш харажатлари улушини» сўзлари чиқариб ташлансин;

15-банднинг биринчи хатбошидан «вилоят ҳудудий-коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш харажатларини бюджетдан қоплаш ҳисоб-китоби ва Фуқароларнинг алоҳида тоифаларига имтиёзлар берилиши муносабати билан турар жой ташкилотларининг камаядиган даромадларини қоплаш ҳисоб-китоби ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 январдаги 16-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 4-модда) билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларни капитал таъмирлаш учун маблағлар тўплаш (йиғиш) ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги вақтинчалик низомда:

а) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича ваколатли органларнинг» сўзлари «уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки бошқарувчи ташкилотларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши «бюджет маблағлари» сўзларидан кейин «уй-жой мулкдорлари ширкатлари маблағлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 8-банднинг бешинчи бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрдаги 375-сон қарорига 5-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида низом»га мувофиқ» сўзлари «белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 16-банднинг биринчи хатбошидаги «Алоҳида турган уй мулкдорлари билан бошқарувчи ташкилот ўртасидаги техникавий хизмат кўрсатиш юзасидан тузилган шартнома (контракт) бекор қилинган тақдирда» сўзлари «Алоҳида турган уй (уйлар) мулкдорлари-ширкат аъзоларининг бир қисми ширкатдан чиққан тақдирда» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кўп квартирали уйда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгалари, уйнинг умумий мулк ҳисобланган жойини сақлаш ва таъмирлаш ишларида мажбурий иштирок этадилар».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 22-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўйича Ягона буюртмачи хизмати тўғрисида вақтинчалик низом 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 январдаги 24-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Хизмат турар жойлари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Тўлов муддати белгиланган муддатлардан кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорда, бироқ тўловнинг кечиктирилган суммасидан 50 фоиздан ортиқ бўлмаган пеня ҳисобланади.



Турар жой ва коммунал хизматлар учун тўловлар тижорат банки муассасалари ёки тўлов қабул қилиш кассалари орқали амалга оширилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 21 декабрдаги 493-сон қарориди:

а) 1-банднинг учинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмасининг, шунингдек туман (шаҳар) коммунал фойдаланиш бошқармасининг намунавий ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси 3, 4 ва 5-иловаларга мувофиқ» сўзлари «Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасининг, туман (шаҳар) коммунал фойдаланиш бошқармасининг намунавий ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси 4 ва 5-иловаларга мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 6-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларига ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасига раҳбарлик қилиш, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун масъул бўлган ўринбосарлари зиммасига юклансин»;

г) 7-банддаги «ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари» сўзлари «Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарори 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон 23-модда) қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«5. Маблағлар йиғилишини такомиллаштириш мақсадида фуқароларнинг аризалари бўйича уларнинг иш жойидаги иш ҳақидан тегишлича ушлаб қолиш йўли билан уй-жой-коммунал хизматлар учун ҳақ тўланишини ташкил этиш амалиётини кенг қўлласинлар.

Аҳоли томонидан коммунал хизматлар учун тўловлар ҳар бир тижорат банки муассасаси ва тўлов қабул қилиш кассалари орқали тўланади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг «2002—2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 мартдаги 99-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 18-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзкоммулхизмат» агентлиги» сўзлари «Ўзкоммулхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «январдан» сўзлари «сентябрдан» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги «2002—2004 йилларда қуйидагилар» сўзлари «2002 йил — 2005 йил 1 сентябрда қуйидагилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «газлаштирилган уй-жой фондини (кўп квартирали ва якка тартибдаги уйларни) газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвали» сўзлари «Ўзкоммулхизмат» агентлиги ҳудудий газ таъминоти корхоналари бўйича

уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш дастури» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

13-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

иккинчи хатбошидаги «уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвалини» сўзлари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳудудий газ таъминоти корхоналари бўйича уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш дастури» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «2002—2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш дастури» сўзлари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳудудий газ таъминоти корхоналари бўйича уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш дастури» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «январдан» сўзи «сентябрдан» сўзи билан алмаштирилсин;

18-банддаги «Газтаъминот» шўъба корхоналари» сўзлари «ҳудудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 18 майдаги 127-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун ҳисоб-китобларнинг контракт (шартнома) тизимига ўтиш тўғрисида» 1993 йил 17 июлдаги 363-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига сотиладиган электр энергияси тарифлари тўғрисида» 1994 йил 8 сентябрдаги 453-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 9-сон, 43-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига сотиладиган кўмир, табиий ва суюлтирилган газ учун шартномавий (эркин) нархларга ўтиш тўғрисида» 1994 йил 8 сентябрдаги 454-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 9-сон, 44-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 3 ноябрдаги 461-сон қарорининг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг уй-жой-коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 4 ноябрдаги 462-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой-коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқич-ма-босқич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1996 йил 30 июлдаги 271-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» 1999 йил 11 февралдаги 65-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш

приборлари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 1 июндаги 280-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 30-модда) ва мазкур қарорга 1-илова.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Хукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1999 йил 25 июндаги 315-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 34-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низомни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 13 февралдаги 74-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 10-модда), кўрсатилган қарорга 2-илова ва 3-илованинг 14-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2001 йил 1 мартдаги 103-сон қарорига илованинг 13-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 15-илова.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **144** 2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидаги мақсадли вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш Дастурнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, почта алоқаси фаолият кўрсатишининг бозор механизмларини кенг жорий этиш, тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, рақобатни ривожлантириш;

умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

хизматларнинг янги турлари комплексини жорий этиш, уларнинг турларини кенгайтириш, сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

почта алоқаси тармоқларида янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш;

умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчалари инфратузилмасини замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда тасдиқланган Дастурни амалга ошириш учун хорижий банклар, халқаро молия ташкилотларининг кредитлари ва инвестицияларини жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 19 май,  
128-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 19 майдаги 128-сон қарорига  
ИЛОВА

### **2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш ДАСТУРИ**

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

#### **I. Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг ҳозирги аҳволи**

Мамлакатнинг почта алоқаси шохобчалари таркибий жиҳатдан «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти шохобчаларидан иборатдир, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

189 та туман ва шаҳар узелларидан, 2991 та алоқа бўлимларидан (улардан 2305 таси қишлоқ жойларда) иборат бўлган 14 та минтақавий филиаллар;

3 та ихтисослаштирилган филиал — «Халқаро почта»т», «Халқаро тезкор почта», «Ўзбекистон маркаси»;

почта жўнатмаларининг мунтазам равишда ташилишини таъминловчи 1 та темир йўл, 34 та авиа, 529 та автомобиль йўналишлари.

«Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида универсал

хизматларни эксклюзив амалга оширувчи миллий оператор ҳисобланади, шунингдек халқаро почта айирбошлашни амалга оширади.

Почта хизматлари бозорида анъанавий хизматлар, шу жумладан ёзма хат-хабарларни, жўнатмаларни, почта пул жўнатмаларини юбориш ва бошқа хизматлар кўрсатилади. «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти табиий монополист ҳисобланадиган почта алоқасининг маҳаллий хизматлари сегментидан фарқли равишда, халқаро хизматлар сегментида рақобат мавжуд, унда 10 тадан ортиқ маҳаллий, хорижий фирмалар фаолият кўрсатмоқда.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ табиий монополиялар субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш соҳасида белгиланган. Почта хизматларининг ривожланаётган бозори шароитларида умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат томонидан тартибга солишни фаолиятнинг тегишли турлари бўйича умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси операторлари фаолиятини лицензиялаш воситасида жорий этиш зарурияти пайдо бўлади.

Асосий воситалар ва мол-мулкнинг (почта тарозилари, мебеллари ва шу кабилар) эскириши 57 фоизни, почта автотранспорти парки бўйича — 73 фоизни ташкил қилади, бу минтақаларда почта жўнатмаларини айирбошлаш ва манзиллар бўйича ажратиш жараёнининг тезлигига салбий таъсир кўрсатади ҳамда уларни етказиб бериш муддатларини қисқартириш имконини бермайди (вилоят марказлари ўртасида 3 кун, бошқа аҳоли пунктларигача — 10 кунгача).

Ахборот-коммуникация технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли почта алоқаси корхоналари томонидан хизматларнинг янги турлари кўрсатилмаяпти, уларнинг турлари кенгаймапти, почта жўнатмаларини ишлаш ва етказиб беришни автоматлаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу кўрсатилаётган хизматлар сифатига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

## II. Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида хизматларнинг янги турларини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг барча ҳудудида почта алоқаси универсал хизматларининг кафолатли ва сифатли кўрсатилишини таъминлаш ушбу Дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мақсадли вазифаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, почта алоқаси фаолият кўрсатишининг бозор механизмларини кенг жорий этиш, тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, рақобатни ривожлантириш;

умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

хизматларнинг янги турлари комплексини жорий этиш, уларнинг турларини кенгайтириш, сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

почта алоқаси тармоқларида янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш;

умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчалари инфратузилмасини замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

### **III. Ахборот-коммуникация технологиялари негизида почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

#### **3.1. Почта шохобчаларини замонавийлаштириш:**

турли хил почта жўнатмаларини етказиб беришда аниқ тарификацияни таъминлаш учун почта алоқаси узелларини ва бўлимларини зарур микдордаги электрон ўлчов воситалари билан жиҳозлаш;

вилоятлараро, вилоятлар ва туманлар ички автомобиль почта йўналишларини мақбуллаштириш учун минтақалараро айирбошлаш пунктларини ташкил этиш;

почта жўнатмаларини ва пул маблағларини ташувчи почта автомобиль техникаси паркинни янгилаш, шунингдек уларни кўчма алоқа воситалари билан қўшимча жиҳозлаш;

почта алоқаси корхоналарида видеокузатиш ва фойдаланишни электрон назорат қилиш тизимларининг техник имкониятларини кенгайтириш;

почта жўнатмаларини ва даврий матбуотни ишлаш, манзиллар бўйича ажратиш айирбошлаш пунктларини портатив рентген-телевизион қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек қўлда ишлатиладиган металл детекторлар билан қўшимча жиҳозлаш;

#### **3.2. Почта алоқасининг янги хизмат турлари комплексини жорий этиш:**

почта хизматлари — электрон почта, гибрид почта, электрон почта маркаси, «Товарларни почта орқали етказиб бериш», почта жўнатмаларини етказиб беришни Интернет ёки телефон орқали назорат қилиш тизими;

интерактив хизматлар — компьютер технологияларига асосланган сўзлашув пунктларидаги телефон, факсимил алоқа хизматлари, электрон маълумотнома тизими, Интернетдан фойдаланиш;

молиявий хизматлар — пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда молиявий тўловлар бўйича операциялар, электрон пул жўнатмалари, ҳисоб-китоб-касса операциялари бўйича хизматлар;

почта жўнатмаларини ишлаш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

#### **3.3. Почта алоқаси шохобчаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш:**

почта жўнатмаларини етказиб бериш, ишлаш, манзиллар бўйича ажратиш ва мониторингини юритиш тизимини тегишли равишда замонавийлаштирган ҳолда почта инфратузилмасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

маълумотларни узатишнинг мавжуд корпоратив тармоғини замонавийлаштириш йўли билан почта алоқасининг автоматлаштирилган тизимини яратиш, унга почта алоқасининг барча филиалларини, туман, шаҳар узеллари ва бўлимларини улаш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизматлар турларини кўпайтириш учун иш ўринларини компьютер технологиялари билан тегишли равишда жиҳозлаш;

маълумотлар узатиш тармоғи орқали газеталарга, даврий, бошқа матбаа нашрларига ва турли товарларга буюртмаларни қабул қилиш, шунингдек уларни буюртмачиларга тегишли почта алоқаси бўлимлари орқали етказиб бериш йўли билан электрон савдо тизимини ташкил этиш;



маълумотлар узатишнинг замонавий технологиялари (ATM, Frame Relay, Fast Ethernet, Gigabit Ethernet)ни қўлланган ҳолда халқаро пул жўнатмаларини етказиб бериш бўйича почта алоқаси хизматлари кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

2002—2010 йилларда компьютерлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга оширишда қатнашиш.

#### **3.4. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш:**

қонун ҳужжатларини халқаро амалиёт ва стандартлар талабларига мувофиқлаштириш юзасидан уларга ўзгартиришлар киритиш, тегишли фаолият турлари бўйича умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича почта операторлари фаолиятини лицензиялаш механизмини жорий этиш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қароридан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси корхоналари томонидан пенсиялар ва нафақаларни етказиб бериш бўйича норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш;

ахборот-коммуникация технологияларини қўлланган ҳолда почта хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш бўйича фаолиятни тартибга соладиган почта алоқасининг тармоқ ишлаб чиқариш-технологик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

### **IV. Дастурни амалга ошириш босқичлари ва молиялаштириш манбалари**

#### **4.1. Амалга ошириш босқичлари:**

Дастурни иловага мувофиқ Тадбирлар режасига биноан 2005—2010 йиллар мобайнида амалга ошириш назарда тутилади.

Биринчи босқичда (2005—2007 йиллар) қуйидагилар назарда тутилади:

телекоммуникациялар тизимини яратиш, унга тегишли миқдорда иш ўринларига эга бўлган почта алоқасининг 14 та минтақавий ва битта ихтисослаштирилган филиалини, 189 та туман ва шаҳар узелларини ҳамда 622 та шаҳар ва қишлоқ алоқа бўлимларини улаш;

почта алоқасининг автоматлаштирилган узеллари ва бўлимларида ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги хизмат турларини ташкил этиш ва жорий қилиш;

махсус почта мебеллари билан жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини белгиланган талабларга мувофиқлаштириш;

автомобиль паркинни янгилаш ва почта хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган махсус автомобиль техникасини сотиб олиш.

Иккинчи босқичда (2008—2010 йиллар) қуйидагилар назарда тутилади:

почта алоқасининг қолган 1865 та шаҳар ва қишлоқ бўлимларини автоматлаштиришни тугаллаш, уларни ташкил этилаётган корпоратив тармоққа қўшимча равишда интеграциялаш;

почта алоқаси бўлимлари негизда 1065 та фойдаланиш ўринларига мўлжалланган, Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиладиган 204 та минтақавий пунктлар ташкил этиш;

почта алоқаси узеллари ва бўлимларини замонавий электрон ўлчов воситалари билан қўшимча жиҳозлаш;

минтақавий почтани ишлаш ва етказиб бериш муддатларини жадаллаштириш учун иккита минтақалараро айирбошлаш пунктлари ташкил этиш.

#### **4.2. Дастурни молиялаштириш:**

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари, хорижий инвестициялар, тижорат банкларининг кредитлари, шунингдек халқаро молия ташкилотларининг грантлари Дастурни молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш негизида почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштиришга молиявий ресурсларни мақсадли жалб этиш фаолиятни фаоллаштириш ва янги хизматлар комплексларини шакллантириш имконини беради.



2010 йилгача почта алоқаси тармоғини  
замонавийлаштириш, ахборот-коммуника-  
ция технологиялари негизда хизматлар-  
нинг янги турларини жорий этиш ва  
ривожлантириш дастурига  
ИЛОВА

**2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари режаси**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар
1	2	3	4	5	6
<b>I. Почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш</b>					
1.	Почта алоқаси узеллари ва бўлимларини почта жўнатма-ларининг ҳар хил турларини жўнатишда аниқ тарификацияни таъминлаш учун зарур миқдордаги электрон ўлчов воситалари билан жиҳозлаш.	2005—2010 йиллар	Ишлар жадвали	«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
2.	Вилоятлараро, вилоят ва туман ички автомобиль почта йўналишларини мақбуллаштириш учун минтақалараро айирбошлаш пунктларини ташкил этиш.	2008—2010 йиллар	Идоравий буйруқ	Хорижий молия ташкилотлари грантлари ва кредитлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
3.	Почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташийдиган почта автомобиль техникаси паркинни янгилаш ва уларни ҳаракатланидиган алоқа воситалари билан қўшимча жиҳозлаш.	2005—2007 йиллар	Идоравий буйруқ	Хорижий молия ташкилотлари грантлари ва кредитлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
4.	Почта алоқаси корхоналарида видеокузатиш ва электрон назорат тизимларининг техник имкониятларини кенгайтириш.	2005—2007 йиллар	Идоравий буйруқ	«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Амалга ошириш шакли	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар
1	2	3	4	5	6
5.	Почта жўнатмаларини ишлаш, манзиллари бўйича ажратиш ва даврий матбуот айирбошлаш пунктларини портатив рентген-телевизион қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек уларни қўлда ишлатиладиган металл детекторлар билан қўшимча жиҳозлаш.	2008—2010 йиллар	Идоравий буйруқ	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
<b>II. Почта алоқаси хизматларининг янги турлари комплексини жорий этиш</b>					
6.	Почта хизматлари – электрон почта, гибрид почта, электрон почта маркаси, Интернет ёки телефон орқали почта жўнатмаларининг ҳаракатини назорат қилиш тизими. Интерактив хизматлар – сўзлашув пунктларида компьютер технологияларига асосланган телефон, факсимил алоқа хизматлари, электрон маълумотнома тизими, Интернетдан фойдаланиш. Молиявий хизматлар – молиявий тўловлар бўйича операциялар, электрон пул жўнатмалари, ҳисоб-китоб-касса операциялари бўйича хизматлар.	2005—2007 йиллар	Идоравий буйруқ	«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
7.	Почта жўнатмаларини ишлаш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.	2005—2007 йиллар	Идоравий буйруқ	«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар
1	2	3	4	5	6
<b>III. Почта алоқаси шохобчаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш</b>					
8.	Почта жўнатмаларини етказиб бериш, ишлаш, мазиллари бўйича ажратиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш тизимини тегишли равишда замонавийлаштирган ҳолда почта инфратузилмасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.	2005—2010 йиллар	Техник-иқтисодий асосларни босқичма-босқич ишлаб чиқиш	«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
9.	Маълумотлар узатишнинг мавжуд корпоратив тармоғини замонавийлаштириш йўли билан почта алоқасининг автоматлаштирилган тизимини яратиш, унга почта алоқасининг барча филиалларини, туман, шаҳар узеллари ва бўлимларини улаш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини кўрсатиш учун иш ўринларини компьютер технологиялари билан тегишли равишда жиҳозлаш.	2005—2010 йиллар	Ташкилий-техник тадбирлар	Хорижий молия ташкилотлари грантлари ва кредитлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
10.	Маълумотларни узатиш тармоғи орқали газеталарга, даврий, бошқа босма нашрларга ва ҳар хил товарларга буюртмалар қабул қилиш йўли билан электрон савдо тизимини ташкил этиш ҳамда уларни почта алоқасининг тегишли бўлимлари орқали буюртмачиларга етказиб бериш.	алоҳида жадвал бўйича	Ташкилий-техник тадбирлар	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
11.	Маълумотлар узатишнинг замонавий технологиялари (ATM, Frame Relay, Fast Ethernet, Gigabit Ethernet)ни қўллаган ҳолда халқаро пул жўнатмаларини жўнатиш бўйича почта алоқаси хизматлари кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.	2005—2010 йиллар	Ташкилий-техник тадбирлар	Хорижий молия ташкилотлари грантлари ва кредитлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар
1	2	3	4	5	6
<b>IV. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш</b>					
12.	Қонун ҳужжатларини халқаро амалиёт ва стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан уларга ўзгартиришлар киритиш, фаолиятнинг тегишли турлари бўйича умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш юзасидан почта операторлари фаолиятини лицензиялаш механизмини жорий этиш.	2005—2006 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси	«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
13.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қароридан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси корхоналари томонидан пенсия ва нафақаларни етказиб бериш бўйича норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш.	2005 йил	Пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисида янги таҳрирдаги низомни тасдиқлаш	«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
14.	Ахборот-коммуникация технологияларини қўлланган ҳолда почта хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш бўйича фаолиятни тартибга солувчи почта алоқасининг тармоқ ишлаб чиқариш-технологик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	алоҳида жадвал бўйича	Тармоқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари	«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**145** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг  
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисоб-  
бот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тас-  
диқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7- иловасига ўзгартириш  
ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
19 майда 1209-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 29 майдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси, «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сонли «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори («Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами», 2005 й., 5-6-сон, 30-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7-илоvasига (2003 йил 24 январь, рўйхат рақами 1209 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил 1-2, 21-22-сонлар; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 519-модда) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага\* мувофиқ киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 6 май,  
45-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**146** Машина-трактор парклари иш (хизмат)ларининг  
нархларини қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер  
хўжаликлари ва пудратчиларга етказиш тартиби тўғрисида-  
ги низомни давлат реестридан чиқариш ҳақида

(2005 йил 19 майда давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2005 йил 18 майдаги хулосаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 12 майдаги 119-сон буйруғига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 3 февралда 1004-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Машина-трактор парклари иш (хизмат)ларининг нархларини қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва пудратчиларга етказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мазкур ҳужжатнинг давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Р.М. Каримов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У.Т. Аюбов) мазкур буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Е.С. Канъязов зиммасига юклатилсин.

Адлия вазири **Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 19 май,  
74-мх-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 7 майдан 20 майгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғининг 7-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 6 майдаги 45-сонли буйруғи.*

*2005 йил 19 майда 1209-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 29 майдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Машина-трактор парклари иш (хизмат)ларининг нархларини қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари ва пудратчиларига етказиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (2001 йил 3 февраль, рўйхат рақами 1004).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 19 майдаги 74-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан**  
**чақириб олинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 25 мартдаги 03-1/20-ВМ-00338-сонли хати.

**Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.**

